

INTER-ETHNIC AND INTER-RELIGIOUS TOLERANCE IS A PLEDGE OF PEACE AND HARMONY IN THE MODERNIZING UZBEKISTAN.

Turgunbayev Toxirjon Abdugafurovich
Docent of the Faculty of Military Education

Abstract: *This article provides information about the glorious history and future of our nation based on inter-ethnic and inter-religious tolerance.*

Key words: tolerance, religion, peace, constitution, nation, Islam, Christian, constructive, "Center".

МЕЖЭТНИЧЕСКАЯ И МЕЖРЕЛИГИОЗНАЯ ТОЛЕРАНТНОСТЬ ЯВЛЯЕТСЯ ЗАЛОГОМ МИРА И СОГЛАСИЯ В ОБНОВЛЕННОГО УЗБЕКИСТАНА.

Тургунбаев Тохиржон Абдугафурович
Доцент факультета военного образования

Аннотация: *В данной статье представлена информация о славной истории и будущем нашего народа, основанная на межэтнической и межрелигиозной толерантности.*

Ключевые слова: *толерантность, религия, мир, конституция, нация, ислам, христианство, конструктив, «Центр».*

ЯНГИЛАНЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО ВА ДИНЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК – ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИК ГАРОВИ.

Тургунбаев Тохиржон Абдугафурович
Фар.Ду.Ҳарбий таълим факультети доценти

Аннотация: *Ушбу мақолада ҳалқимизнинг миллатлараро ва динлараро бағрикенглик асосланган шонли тарихи ва келажаги тўғрисида маълумотлар берилган.*

Калит сўзлар: *толерантлик, дин, тинчлик, конституция, миллат, ислом, христиан, конструктив, “Марказ”.*

Қадим-қадимдан турли миллат ва элатлардан таркиб топган Ўрта Осиё халқлари миллати, тили ва диний қарашларидан қатъий назар, шу заминни ўз Ватани деб билган, бир тану жон бўлиб ташқи душманлардвн биргаликда ҳимояланган. Дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади, яхшилик, тинчлик, дўстлик каби фазилатларга таянади. Инсонларни ҳалолик ва поклик, меҳр-шавқат ва бағрикенгликга даъват этади.

Бағрикенглик тушунчаси лотинча “толоророе” (яъни “чидамоқ”, “сабр қилмоқ”) сўзи билан маънодош қўлланилади. Ҳозирги кунда Республикамизда истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари яшаб, “Ўзбекистон – умумий уйимиз” тамоили

асосида Ватан мустаққилиги, тинчлик-осойишталиги ва уни тараққиёти учун меҳнат қилиб, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатликда яшамоқдалар.

Ҳалқимиздаги миллатлар ва динлараро бағрикенглик тамоиллари қадимий илдишларга эга. Тарихий манбаларга юзлансак: Жумладан, яҳудийлар жамоси вакили Р.Бесман шундай дейди: “Бухорода дастлабки синогога VIII-асрдаёқ қурилганлиги, бошқа дин вакиллари билан биргаликда ўз динларига эркин эътиқод қилиши учун ўша даврдаёқ барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Ўрта аср Европа ва Византия империясидан қувғин қилинган яҳудийлик Марказий Осиёда бошқа динлар бир хил ҳуқуқга эга эди”.

Маълумки, XIX-асрда Россиянинг марказий минтақаларидан мажбурлаб кўчириб келинган деҳқонларни маҳалий мусулмон аҳоли уларга ҳар томонлаа ёрдам қўлини чўзган. Ўша давр воқеаларини кўрган Харитон: “Маҳалий аҳоли ночор кўчманчиларга раҳмдиллик билан муносабатда бўлдилар, бусиз уларнинг кўпчилиги очлик ва муҳтожликдан ўлиб кетган бўлар эдилар” – дейди.

Ёки собиқ мустабид тузуми даврини олайлик. Архиепископ Владимирнинг таъкидлашича Тошкет шаҳрида сургун қилинган 300 ортиқ руҳоний ва монахлар ўзбеклар ўз ҳаётини ҳавф остига қўйиб қатоғонга учраган руҳонийларни яширишган. Масалан, Тошкентдаги Свято-Николай аёллар монастрини сўнги бошлиғини отишга ҳукм қилинган Игуменья Лидия (Нагорнова) нинг қамоққа олишидан олдин уни қочиб кетишига Жўра исмли ўзбек йигити кўмаклашган.

Миллатимизнинг миллатлараро бағрикенглиги ўша Иккинчи жаҳон уруши йилларида кенг намоён бўлди. Суронли тоталитар тузуми қатоғонига учраган минглаб турк месхити ва қрым татар миллатлар ўзларининг тарихий яшаш юртларидан қувғин қилинган. Уларни бағрикенг ўзбек хонадонларидан қўним топишган. Ҳалқимизнинг ўз уйларида жой беришган, кийим ва овқатини тенг бўлишган.

Иккинчи жаҳон уруши суронли оғир йилларида 1 миллиондан ортиқ турли миллатларга мансуб кишилар, уруш аланга олган минтақалардан Ўзбекистонга кўчирилиб келтирилган. Улардан, 200 мингдан ортиғи ёш болалар боғча-ясил ва ўзбек хонадонларидан қўним топишган. Миллатимизнинг бошқа миллат вакиллари бағрикенглиги ва ўзбек миллати болажон ҳалқ эканлиги оғир дамларда синовдан ўтди.

Мисол, тариқасида Тошкентлик темирчи Шоаҳмад ва Баҳри ая Шомаҳмудовлар оиласидир. Урушнинг оғир дамларида 14 нафар ота-онасидан ажраган рус, украин, беларус, яҳудий ва немис миллатларига мансуб болаларни ўз бағрига олган. Ўқсиган мурғак қалбларга ўзбекона меҳр бериб вояга этказишган. Шомаҳмудовлар оиласининг қаҳрамонлиги фронтдаги жангчиларни олға юришига руҳлантирган, ўша даврларда улар тўғрисида шеърлар ва кинофильмлар суратга олинган. Ҳозирги кунда юртимиз пойтахти Тошкент шаҳрининг “Ҳалқлар дўстлиги майдони”да Шомаҳмудовлар оиласига бронзадан ҳайкал ўрнатилган.

Бу ўз навбатида, миллатимизнинг буюклиги, унинг миллий менталитети ва бошқа миллатларга нисбатан бағрикенглигининг яққол ифодасидир.

Афсуски ва маълумки, ўтган асрнинг 80-йилларнинг сўнгида “Марказ” томонидан Совет империяини сақлаб қолиш мақсадида, иттифокнинг турли минтақаларида миллатлараро низоларни келтириб чиқаришган. Бу эса, ўз навбатида миллатлар ўртасида салбий оқибатлар ва фожеаларга олиб келган.

Мустаққилигимизнинг дастлабки даврларидаёқ ҳукуматимиз томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, умумбашарий кадриятлар, оз сонли

миллатларни ҳимоя қилиш, миллати ва динидан, ижтимоий насл-насаби ва мавқеидан қаътий назар, давлатнинг фуқароси эканлигига асосий эътиборни қаратишган.

Шундай экан, Конституциямизда миллатлар ва динлараро бағрикенглик тамоиллари қуйидагилар билан ҳимояланган;

-миллий тил, урф-одат ва анъаналар ҳурмат қилинишини таъминлаш ва уларнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

-фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, шахси, ижтимоий келиб чиқиши ва мақсадидан қаътий назар тенглиги;

-миллий мансублигидан қаътий назар, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги иштироки кафолатланиш, уларнинг конститутцион ҳуқуқ ва эркинликларига қарши миллий, ирқий, диний, адоват ва низони тарғиб қилувчи фаолиятга йўл қўймаслик;

-Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар, мафкура ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланишни таъминлашдек асосий тамоиллари шаклида ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларининг миллий-маданий эҳтиёжларини тўлақонли қондириш, уларнинг урф-одат ва анъаналарини ривожига ҳар тамонлама шароитлар яратиб бериш мақсадида “Республика Байналминал маданият маркази” тузулиб, уларнинг фаолиятига кенг йўл очиб берилган. 1991 йилда уларнинг сони 10 та бўлса, бугунги кунга келиб, Республикамизда 30 та ва 138 та миллий-маданий марказлар вилоятларимизда фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси Ўрта Осиёда юртимизнинг миллатлараро бағрикенг ўлка эканлигини англатади.

Конституциямизнинг 31-моддасида шундай келтирилган “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашлар мажбуран синдиришга йўл қўйилмайди” дейилган.

Мустақилик йилларида дин соҳасида ҳам туб ўзгаришлар бўлди, ҳозирда республикамизда;

-жами 2238 та диний ташкилот бўлиб, улардан 2064 таси исломий ташкилотдир. Улардан 2039 таси масжид, 15 марказ, 10 та ўқув юрти,

-шунингдек, 38 та Рус православ черкови, 5 та Рим католик, 40 та Тўлиқ Евангелъ христианлар черкови, 21 та Евангелъ христиан баптистлар черкови борлиги юртимизда диний бағрикенгликнинг наъмунасини,

-мамлакатимизда 8 та яҳудий диний жамоалари, 35 та корейс протестант черковлари, 2 та Арман апостоллик черковлари шу миллатга мансуб фуқароларга диний эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилмоқда,

-Мустақилик йилларида фуқароларимизнинг миллиондан ортиғи муборак умра ва ҳаж зиёратларига боришган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳалқимизнинг тинчлиги ва тинч-тотувлиги, фаровонлиги ва ободонлигига шу юртда яшаётган барча фуқароларнинг миллати ва диний эътиқодидан қаътий назар ўзининг хиссаларини қўшишлари лозим. Унутмайлик, ўсиб келаётган ёш авлодни деструктив, адашган, ботил оқимлар таъсирига тушмаслиги учун Ватанимиз олдида ҳам жавобгармиз.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. [https:// lex.uz/ acts/ 20596](https://lex.uz/acts/20596).
2. Mirziyoyev Sh. 2020 yil 24 yanvardagi "Oliy Majlisga Murojaatnomasi".
3. Karimov I. A. Asarlar to'plami. 1-24 jildlar. -T.: "O'zbekiston", 1996-2016.
4. Turgunbayev T.A. Harbiy qismlarda vatanparvarlik va ma'naviy-ma'rifiy tarbiya uslubiyoti. Darslik, Toshkent. 2021 y.-148 b.
5. T.A. Turgunbayev. Milliy identiklik tushunchasining mazmun-mohiyati, tarbiyaviy asoslari. Namangan davlat universiteti ilmiy axborotnomasi. – Namangan, 2023. №2. – B. 205-209.
6. T.A. Turgunbayev. The content and educational basis of the concept of national identity. International journal of education, social science and humanities. Volume-11. Issue-4/ 2023 SJIF.502 Impact Factor – P. 1330-1336.

T.A. Turgunbayev. Harbiy ta'limda milliy identiklik tarbiyasi asosida talabalarda (kursantlarda) vatanparvarlikni rivojlantirish ta'lim texnologiyasi. O'zMU xabarлари. – Toshkent, 2023. №1/3. – B. 184-186.

T.A. Turgunbayev. The content and educational basis of the concept of national identity. International journal of education, social science and humanities. Volume-11. Issue-4/ 2023 SJIF 7.502 Impact Factor – P. 1330-1336.

ADABIYOTLAR RO'YXATI